

## НУРОТА ҚАЛЪАСИ ТАРИХИ

*Ички ишлар вазирлиги Самарқанд  
академик лицейи ўқитувчиси Ш. Аннакулов*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада Нурота тумани ҳудудида жойлашган қадимги Нур қалъаси, хусусан, жойлашган ўрни номланиши, ўрни, аҳамияти қалъанинг турли даврларда учраган босқинлари, жумладан Александр Македонский, Араблар ва Чингизхон босқинига учраши, кейинги тарихи унинг ўрганилиши тарихи ҳақида қисқача маълумотлар баён этилган. Мақола танланган мавзуга оид тўлиқ маълумотларни ўз ичига олмаган.*

**Калит сўзлар:** *Нурота қалъаси, Тош йўли, Хон йўли, Чингизхон, Қалъа девори, кузатув миноралари, мудосфаа деворлари*

Мамлакатимиз ҳудудида жойлашган қадимий ёдгорликлар орасида бугунги кунда Навоий вилоятининг Нурота туманида арслар оша сақланиб келаётган Нурота қалъаси олимларнинг фикрига кўра Ўрта Осиёда исломга қадар қурилган антик меъморий ёдгорликлардан бири саналади. Халқ орасида унинг номи билан боғлиқ бўлган кўплаб ривоят ва афсоналар сақланиб қолган. Маҳаллий халқ ушбу тарихий обидани “Қалъаи Искандарий” деб номлаган ҳолда, унинг барпо этилишини Искандар Зулқарнайн(Александр Македонский) номи билан боғлайдилар.

Нурота қадимдан Бухоро ва Самарқанд воҳасига кириш учун Жиззахдан сўнг иккинчи дарвоза ҳисобланган ва ўзининг ҳарбий истехкомлари билан машҳур бўлган. Нурота ҳарбий стратегик аҳамиятга молик йирик савдо нуқтаси ҳисобланган.

Қадимда Нурота орқали ҳарбий ва маданий аҳамиятга эга ҳисобланган Тош йўл ўтган. Бу йўл орқали карвонлар Бухорога, ундан сўнг Дашти Қипчоққа чиққан.

Нурота Бухоранинг шимолидаги чекка шаҳар бўлиб, маданий ўтроқ аҳоли ва кўчманчи халқларнинг чегарасида жойлашган. Шу туфайли Тош йўли орқали Нуротага кўплаб карвонлар, асосан, Нурота яқинидаги Пашшот(Нурота шаҳрининг ғарбий қисмда жойлашган, бугунги кунда садво расталарининг ўрни сақланиб қолган) манзилгоҳида тўхтаган ва у ерда катта бозор бўлган. Карвонлар Нуротада нафақад савдо, балки сув ғамлаб олиш мақсадида ҳам тўхташган. Худди мана шу йўл орқали 1220 йилнинг январ ойида Чингизхон Бухорога юриш қилган.

Тош йўл орқали Чингизхоннинг Бухорга ўтиши мазкур савдо йўлининг кейинчалик халқ тилида “хон йўли” деб аталишига сабаб бўлган. Ҳерман

Вамберининг маълумот беришича, Чингизхон Нуротага туркман йўлбошчиларининг ёрдами билан кирган ва шаҳарни эгаллаб олган.

1220 йил январ ойида Чингизхоннинг олдинги сафдаги мунтазам кўшинлари Нуротага яқинлашди. Қалъага хужум қилиш учун Тохир Баходир исми ё мусулмон, ё турк раҳбарлигида Нурота атрофидаги ўрмонларда узун нарвонлар ясалди. Шаҳар атрофида маҳаллий халқларнинг боғлари бўлиб, Нурота аҳолиси баҳор келиши биланоқ ўз боғларига кўчиб боришган. Мўғилларнинг келиши шаҳарликлар учун, умуман кутилмаган ҳолат бўлган. Нуроталиклар мўғилларни йирик савдо қарвони деб ўйлаганлар хатоларини англаганларида мўғиллар шаҳарга яқинлашган эди. Мўғиллар нарвонларни отда ва кўлда кўтариб, шаҳар деворига кўядилар. Тохир Баходир нуроталикларга: ҳақиқатдан ҳам кучли мўғил хони келади. Агарда шаҳар аҳолиси қаршилиқ қилмаса, у бир неча кун қолади, - деди. Кўп ўтмай Нурота шаҳри дарвозалари очилди. Мўғиллар шаҳарга кирдилар. Буйрукқа мувофиқ шаҳар аҳолиси шаҳардан чиқарилди. Мўғиллар уйларни таладилар. Аммо одамларни ўлдирмадилар. Нурота халқи Чингизхонга бир ярим минг динор солиқ тўладилар.<sup>3</sup> Чингизхон Нуротадан сўнг Бухорога кетди. Чингизхон Бухорода кўз кўриб кўлоқ эшитмаган вахшийликларни қилди.

Чингизхоннинг Нуротага келганлиги тўғрисида Абулғози Баходирхоннинг “Шажарайи турк” асарида ҳам қуйдагича маълумотлар келтирилади: “... Чингизхон Зарнукни олгач Нуротага келди. Нурота халқи қалъага камалдилар. Ундан элчилашиб халқ қалъадан чиқиб яхши пешкашлар билан келиб хонни кўрди. Хон ҳам у халққа иноят ва шафқат қилиб ҳукм қилдиким, “сен халқ ўзининга етқулик уруғ ва қаладан чиққил. Қолган молингни лашкар таласин”. Халқ қалъадан чиқди. Қолган молларини хоннинг лашқари талаб олди”.<sup>4</sup>

Академик В.А.Нилсон(1953 йил), академик Я.Ғ.Ғуломов(1968 йил)лар томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, қалъанинг остки маданий қатлами эрамиздан олдинги асрларда барпо этилган. 1974 йил археолог О.М.Ростовсев бошчилигида қалъада қазилган ишлари амалга оширилган. Ўшанда қалъадан эрамизнинг I-IV асрларига оид археологик ашёлар топилган.

Нурота қалъаси боқий Нурота чашмасининг устки қисмида сув бошига эгалик қилиш душман камалига бардош бериш мақсадида қурилган. Қалъанинг ички қурилишлари яхши сақланмаган. Унинг энг баланд минораси бўлган бу кузатув масканидан тўрт томон яққал кўриниб турган.

<sup>3</sup> Ҳерман Ванбери. Бухоро ёхуд Маваруаннахр тарихи. Нашрга тайёрловчи Сирожиддин Ахмад.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1990 й. 22-бет

<sup>4</sup> Абулғозий. Шажарайи турк. Т.: “Чўлпон” нашриёти. 1992 й. 64 - бет

Кузатув миноралари 26x26 метрни ташкил этади. Унинг 12 метрли усти йўлак бўлган қалин пахса девор билан туташтирилган. Деворнинг қалинлиги тахминан 14-16 метргача бўлган.<sup>5</sup>

Қалъа қурилиш тарихига кўра ўзига хосдир. У етти қароқчи юлдуз туркумига мос равишда еттита минора ва уларни бирлаштирувчи йўлаklar билан бирлаштирилган. Энг жанубдаги ва тоғнинг юқорисидаги минора Қутб юлдузига мос равишда қурилган, у асосий минора бўлиб у ерда Нурота беклигининг қароргоҳи жойлашган.

Нурота чашмасининг бир қисм суви қалъанинг остидан оқиб келади. Агар қалъа душман томонидан ўраб олинса, қалъадагилар сувсиз қолмасликлари учун шундай қурилган. Тахминан қалъанинг ўрталарида аскарлар махсус зина билан тушиб, қалъа остидан оқиб ўтаётган чашма сувидан олиб чиқишган. Нурота қалъасининг асосий меъморий иншоатлари IV-VII асрларда қайта тикланган. VIII асрда Нурота қалъаси араблар томонидан бузиб ташланган ва сомонийлар даврига келиб яна қайта тикланган. Нурота қалъаси XVII асрда янада мустаҳкамланиб, қадимги пайдевор устига кўшимча кузутув пунктлари қўрилган. Қалъа асосан хом гишт ва тошдан барпо этилган.

Нурота қалъаси кўшлаб лашкар ва аҳолини ўз ҳимоясига олган. Самонийларнинг душман томонидан тормор этилган охириги вакили Мунтассир Нуротага келиб жойлашган ва 1004-йилга келиб Дабусиядаги душманга қарши ҳужум уюштирган.

1451-1457 йилларда Нурота ҳокими Пирко Мўғил, 1463-йилда Муҳаммад Жўки, 1458 -1462 йилларда Нурсайдбек бўлган. Улар ҳам шу қалъадан туриб Нуротани идора этганлар.

Нурота қалъаси Марказий Осиёдаги кўпчилик антик ёдгорликлар катори бугунги кунга қадар тўлалигича ўрганилмаган қадимий меъморий иншоатлар сирасига киради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Форс-тожик тилидан А.Расулов таржимаси. – Т.: Фан, 1966 й.
2. Абулғозий. Шажарайи турк. Т.: “Чўлпон”, 1992 й.
3. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд маварауннахр тарихи. Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 й.

<sup>5</sup> Шавкат Исмоилзода. Нурота тарихидан саҳифалар. Т.: Ўздавматбуотлити. 2010 й. 23-бет



4. Шавкат Исмоилзода. Нурота тарихидан саҳифалар. Т.:  
Ўздавматбуотлити, 2010й.